O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 21-FEVRAL ■ SHANBA ■ 21 (27.196) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

2004-2008 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини танқидий баҳолаш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида:

1. Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилсин.

Республика минтақаларида умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлар тузилсин.

2. Махсус комиссия ва ишчи гуруҳлар:

ишлаб турган умумий таълим мактабларини:

а) капитал реконструкциялаш;

б) капитал таъмирлаш;

в) жорий таъмирлаш талаб қилинадиган мактаблар жумласига киритиш мезонларини аниқ белгиласинлар;

умумий таълим мактаби паспортини ишлаб чиқсинлар, унинг асосида мактабнинг моддий-техника базаси ҳолатига, ичимлик сув ва иссиқлик билан таъминланиш даражасига, санитария шаҳобчаларининг ҳолатига, шунингдек ошхоналар, спорт заллари ва майдончалар билан таъминланиш даражасига танқидий баҳо бериш мумкин бўлади. Текшириш ва баҳо бериш натижалари бўйича мактабларни алоҳида:

— капитал реконструкциялаш;

— капитал таъмирлаш;

— жорий таъмирлаш талаб қилинадиган мактаблар жумласига киритсинлар;

— капитал реконструкциялаш талаб қилинадиган мактаблар тоифасига киритиб бўлмайдиган авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига зарур бўлган жойда янги мактаблар қурилиши лозим;

мактаблар ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, кутубхоналар ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб чиқсинлар.

3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.Азизхўжаев) бир ой муддатда:

умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш мақсадида уларни ўрганиб чиқсин ва баҳо берсин;

педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш тизимини, мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиш даражасини танқидий таҳлил қилсин. Ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, айниқса уларнинг қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика минтақаларидаги умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар бир ой муддатда:

Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган саволнома ва мактабнинг бир хил типдаги паспорти асосида жойларга бориб барча мактабларни тўлиқ рўйхатдан ўтказсин, уларни паспортлаштириб, хулоса тайёрласин;

рўйхатдан ўтказиш материалларини танқидий таҳлил ва таклифлар билан бирга умумлаштириш учун Махсус комиссияга тақдим қилсин.

5. Махсус комиссия (Ш.Мирзиёев) тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари иштирокида 2004 йилнинг 1 майига қадар муддатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

(Давоми 2-бетда.)

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ЮЛДУЗНИНГ ОРЗУЛАРИ

Юлдуз Ҳамроқулова. У Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли 3-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийди. Ўн тўрт ёшли бу шахматчи қизни жиззахликлар фахр билан «Жиззах Юлдузи» дейишади. Чунки, у ўн ёшидаёқ қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони деган юксак шарафга, эътирофга сазовор бўлган. Кейин ҳам муттасил тўрт йил шахмат бўйича тенгдошлари ўртасида мамлакатда тенги йўқ эканлигини исботлади. 1999 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан «Энг ёш истиқболли спортчи» номига муносиб деб топилди.

Ўн ёшидан бошлаб дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб келаётган Юлдуз 2001 йилда Осиё биринчилигининг бронза медалини, 2003 йилда эса кумуш медалини қўлга киритди.

Спорт устаси Юлдуз Ҳамроқулова олий лига ўйинларида иштирок этди. Унинг энг ёш қатнашчиси бўлишига қарамасдан фахрли учунчи ўринни эгаллади. «Иссиққўл — 2000» шахмат фестивалида бронза медали билан тақдирланган. «Труд» газетаси соврини учун ўтказилган халқаро турнир ва «Олимпиада умидлари» спорт мусобақалари ғолибаси.

— Албатта, жаҳон чемпиони бўламан, — дейди Юлдуз Ҳамроқулова ишонч билан. — Мақсадим: юртимга чемпионлик олтин тожини олиб келиш.

✧✧✧

Суратда: Юлдуз Ҳамроқулова.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ҚИШЛОҚ ЎҚИТУВЧИСИ — АКАДЕМИЯ ДОКТОРИ

Ромитандаги 29-ўрта мактаб ҳамда Бухоро давлат университети ихтисослаштирилган лицейи ўқитувчиси Тўра Ҳалимов ўлкамиз тарихини ўрганиш орқали ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган зиёлилардан биридир. Унинг қаламига мансуб «Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар ва шажаралар тарихидан», «Ўзбекистон тарихидан баъзи атамалар изоҳи», «Ромитандаги табаррук зиёратгоҳлар» каби рисолалари китобхонларга яхши таниш.

Яқинда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Тўра Ҳалимов ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Антик дунё Халқаро илмий академияси ташкилий қўмитасининг қарорига мувофиқ, унга шу академиянинг доктори илмий унвони берилди.

Даврон БАҲРОНОВ

МЕҲР

Биродар, тушмадим мен ҳам осмондан,
Сен ҳам келмагансан бирор томондан.
Бир юртнинг фарзанди иккаламиз ҳам,
Зуваламиз битта, меҳр бир жондан.

Абдулла ОРИПОВ,
2004 йил 17 февраль

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2003 йилдаги фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарган тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодиётимиз изчил ривож топаётгани таъкидланди. Хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Якунланган йилда хўжалик судларида 55 мингдан ортиқ низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 600 миллиард сўм ҳамда 16,3 миллион АҚШ доллари ундириб берилди. Шундан салкам тўққиз мингини тадбиркор, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ суд жараёнлари ташкил этди. Ушбу субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиб, уларнинг ривожига тўсқинлик қилаётган назорат ва бошқарув идораларининг қонунга зид 282 ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилди.

Пленумда бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этаётган банкротлик институти билан боғлиқ жараёнлар чуқур таҳлил этилди. Суд санкцияси, ташқи бошқарув, кузатув ва келишув битимларидан ўз ўрнида фойдаланилгани боис банкрот, деб эътироф этилаётган корхоналар сони қисқармоқда. 2002 йилда 1250 корхона банкротликка юз тутган бўлса, ўтган йили бу рақам 419 тага камайди.

Пленумда шартнома интизомини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлар дуч келаётган бюрократик ва таъмагирлик ҳолатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалиётни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев, Бош прокурори Р.Қодиров, Олий суди раиси Ф.Муҳиддинова иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Адлия вазири А.Полвонзода бошқарган йиғилишда якунланган йилда адлия идоралари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича самарали ва таъсирчан тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Бунда асосий эътибор тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ҳуқуқини поймол қилаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласига қаратилди.

Ҳуқуқий ҳимоя тизимининг такомиллашиб бораётгани туфайли тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатлари сони кескин ошди. Адлия органларининг ташаббуси билан тадбиркорларнинг, жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 65,6 миллиард сўмлик ҳамда 939 минг АҚШ доллари миқдорида 14 мингга яқин даъво аризаси киритилди. 400 миллион сўмга яқин етказилган моддий ва маънавий зарар бевосита айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилди.

Кўплаб хўжалик ва ички хўжалик шартномалари ўрганилиб, адлия идораларининг талабига кўра 47 мингдан ортиқ шартнома қайта туздирилди. Шу билан бирга, барча турдаги хўжалик шартномаларининг намуналари ишлаб чиқилиб, жойларга қўлланма тариқасида етказилди.

Адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналиши бозор ислоҳотларини, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган. Адлия вазирлиги томонидан уларнинг ижроси бевосита жойларга чиқиб ўрганилмоқда. 2003 йилда республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ кўплаб қонунбузилишлар аниқланди. Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди.

Ҳайъат мажлисида, адлия идоралари томонидан эришилган натижалар билан биргаликда, айрим соҳаларда ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги, жумладан, жойлардаги айрим адлия идоралари масъул ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатъиятсизликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги шартнома муносабатларини тартибга солишга, ушбу соҳада шартнома интизомини мустаҳкамлашга, шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишда фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг, айниқса фермерларга минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олиш ва айбдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни кўриш талаб қилинди.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни доимий равишда аниқлаб бориш, муттасил равишда қонунларни бузаётганларга нисбатан муросасиз бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда адлия идоралари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва қатор идоралар, нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги Саховат уйи, 11-Меҳрибонлик уйи ва вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида қизиқарли учрашувлар ўтказилди.

Меҳр ва мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилатларидан ҳисобланади. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан жойларда ўтаётган тадбирлар, хайрли ишлар буни яна бир бор исботлаб турибди.

Қадимий ва навқирон Самарқандда Навруз байрами ҳамда «Универсиада — 2004» спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёни меҳр-мурувват, бағрикенглик, яхшилик тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

Қадим шаҳарнинг 218 нафар қарияни ўз бағрига олган Саховат уйида ўтган маданий-маърифий учрашув иштирокчиларда, айниқса катта таассурот қолдирди. Тадбирни Самарқанд вилояти ҳокимлиги котибияти раҳбари Хўжақул Муҳаммадиев қисқача кириш сўзи билан очди. ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси Гулнора Йўлдошева, Самарқанд шаҳар ҳокими Музаффар Козимов «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг мазмун-моҳияти, одамларимиз қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, биродарлик туйғуларини уйғотиш, ёшлар онгида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, жамиятимизда миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида гапирдилар.

(Давоми 2-бетда.)

Газетада босилмади, аммо...

ШИКОЯТ ЎРГАНИЛДИ, ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Таҳририятимизга Сирдарё туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ оилавий пудрат бошлиқлари номидан йўлланган хатда мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора авж олаётган бир пайтда улар ҳам оилавий пудратдан фермер хўжалигига ўтиб, биргаликда ўз фермер хўжаликларини ташкил этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида айрим тўсиқларга дуч келишаётганлиги баён қилинганди.

Мазкур шикоят юзасидан Сирдарё вилояти ҳокимлигидан олинган (2004 йил 10 февраль, 2/08-129 рақамли) жавобда шикоятчиларнинг биргаликда фермер хўжалиги тузиш борасидаги талабларига асосан кўрилган тезкор чора-тадбирлардан улар рози бўлганликлари билдирилади:

«... фуқаролар — К.Минглиев, О.Улашев, С.Тошматов, Д.Эшонбоев ва бошқаларнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасига 2003 йилнинг 19 декбарь куни ёзган 11-1-1-сонли шикоят аризаси вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди. Улар ўз аризаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори асосида «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг негизида янги фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан ерларни тақсимлаш мақсадида ўтказилган тендерда қатнашганликлари, бироқ хўжаликни қайта ташкил этиш комиссияси раиси О.Бойқуловнинг амалдаги йўриқномаларга риоя қилмаслиги ва ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида оила пудратига тегишли бўлган ерларни танлов ғолиби томонидан олиб қўйилганлигини баён қилишган.

2003 йил 11 ноябрь куни хўжаликда ўтказилган тендер натижалари бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг ҳужжатлар тўплами ўрганиб чиқилди. Комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тавсиялар ва амалдаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига зид бўлган ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланмади.

Аризани кўриб чиқиш жараёнида 18- сонли контур ғолиби О.Абдуллаев ариза муаллифларига фермер хўжалиги ташкил этиш учун, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 38,5 гектар ер майдонини ихтиёрий равишда бериш тўғрисида комиссияга ўзининг розилик хатини берди.

Ариза муаллифлари таклиф этилган ер майдонида фермер хўжалиги очиб меҳнат қилишга рози бўлишди.

Ғ. БЎРИБОЕВ,
вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

2004-2008 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дастурда минтақалар, айниқса қишлоқ жойларда йилма-йил қуйидаги бешта бўлимлар бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилсин:

— мактаблар, шу жумладан бориш қийин бўлган минтақалар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини капитал реконструкциялаш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ишлаб чиққан ҳолда, умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш;

— мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

— таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

— умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, педагог кадрлар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

— умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

6. Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мактабларни ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, уни шакллантириш тартиби ва манбаларини аниқ белгилаб қўйсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мактабларни ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағлари 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

мактаблар моддий базасининг ҳақиқий ҳолатини (стандартлардан амалда четга чиқишларни ҳамда нормал таълим ва тарбия жараёни учун барча зарур хоналар мавжудлигини) ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлари ва шаҳарлар хусусиятларини эътиборга олиб, мактабларни капитал реконструкциялашга оид бир хил типдаги лойиҳаларни тайёрласин;

конкрет нормативларни аниқлаган ҳолда мактабларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш бўйича иш турларининг мезонлари ва талабларини аниқ белгилаб қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ой муддатда истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг самарали механизмини вужудга келтиришни назарда тутган ҳолда ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ва тариф ставкаларини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

Бошланғич синфлар ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Ушбу Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 19 февраль

2004-йил Меҳр ва мурувват йили

ИНСОН ҲАМИША МЕҲРГА МУҲТОЖ

У БОЗОРДА СОТИЛМАЙДИ, АҚЧАГА ТОПИЛМАЙДИ. ЛЕКИН СУВСИЗ, ҲАВОСИЗ ЯШАБ БЎЛМАГАНИДЕК, МЕҲР-МУРУВВАТСИЗ ҲАМ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Шу пайтда тўсатдан осмондан момақалдироқ гулдираб, чақмоқлар чақилса, ёхуд ер ёрилиб, унинг қаъридан ваҳшат алангаси отилиб чиқса ҳам Жан-Валжан бу қадар ҳангманг бўлиб қолмас эди. Шу пайтга қадар одамлар ўртасидаги олижанобликни у ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Ҳали бирор меҳрибон қўл унинг пешонасини силаб, бир тишлам нон тутган эмасди. Қаранг, меҳр деганлари баҳри муҳиддай бепоён, тоғдай залворли бўлар экан-да. Ҳозир бу меҳр уни эзиб қўйган, миннатдорчилик билдиришни ҳам, қуллуқ қилиб епископнинг қўлини ўпишни ҳам унутганди. У қуруқ жасадга айланиб қолганди. Унда ғаройиб эврилиш юз бермоқда эди. Юзларида из қолдириб тўхтовсиз оқаётган кўз ёшлари билан вужудидаги эски Жан-Валжан чиқиб кетмоқда, унинг ўрнини эса нурга чулғанган янги Жан-Валжан эгаллаб бормоқда эди.

Дарҳақиқат, асарда меҳр меҳр туғиришини, одамдаги ёмон сифатлару, ёлғончи майлларни ўлдиришини ўзингиз кўрасиз. Фақат Ғарбда эмас, Шарқда ҳам, шу жумладан, ўзбеклар ўртасида ҳам меҳр-мурувватли, саховатпеша, олийҳиммат бўлиш энг қимматли ва энг зарур удумлардан бўлган. Бизнинг адабиётимизда ҳам бу тўғрида кўплаб ривоятлар айтилган, достонлар ва қиссалар битилган. Энг машҳур қиссалардан бири Хорун ар-Рашид ҳақидаги халқ китоби эди. Лекин мен бу ўринда китобдан эмас, бевосита ҳаётнинг ўзидан олинган тарихий фактларни эслаб ўтмоқчиман. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг нечоғлик олийҳиммат бўлгани беш асрдан бери халқимиз хотирасида сақланиб келяпти. Ҳазрат Навоий Ҳиротда жуда катта қурилишлар қилган. Мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар шулар жумласидандир. Ёки бир шаҳарнинг бир йиллик солиғини тўлаб юборгани ҳақидаги гап-сўзлар ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб юради.

Ўзбек халқининг меҳри дарё эканини кўрсатувчи яна бошқа фактлар келтириш мумкин. Масалан, урушнинг энг оғир йилларида фронт яқинидаги жойлардан Ўзбекистонга неча юз минглаб етим-есир болалар олиб келинган эди. Уларнинг бирортаси ҳам кўчада қолгани йўқ. Халқ қалбидаги меҳр шу болаларнинг ҳаммасига улашмоқ учун етарли бўлди.

Халқимизнинг бу фазилати тўғрисида кўплаб асарлар ёзилди. Дунёга донғи кетган болалар шоири К.Чуковский «Ўзбекистон ва болалар» деган рисоласини, Ғафур Ғулом «Сен етим эмассан» деган даҳо шеърини ёзди, атоқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов бу воқеага бағишлаб ўлмас кинофильмини яратди. Ҳар ҳолда тарихан меҳр ва мурувват ўзбеклар ҳаётидаги энг муҳим маънавий суянчиқлардан бири бўлиб келган эди.

Кейин эса 70 йиллик умримиз шўролар даврида коммунистлар етагида ўтди. Албатта, у йилларнинг ҳам баъзан баҳор осмонида булутлар орасидан бир кўриниб қўядиган шуъласидай ёруғ кунлари ҳам бўлган. Лекин, минг афсуски, ёмон кунлари кўпроқ эди. У йилларда меҳр тушунчаси ошкора тарзда ҳаётдан қувиб чиқарилди, «виждон», «инсоф», «диёнат», «ҳиммат» деган нарсалар ўз-ўзидан барҳам топди. Одамларни ёмон ишлардан, ёмон майллардан, зўравонлик ва жиноятлардан тийиб турадиган энг муҳим маънавий омиллар жуда сусайиб кетди. Ҳаётда адолат ўрнида ҳақсизлик қарор топди, ҳақиқат ўрнини ёлғон эгаллади, икки хил ўлчов билан, яъни мунофиқлик билан ҳаёт кечириш, ўғирлик, ҳаромхўрлик одат тусига кирди. Одамлар раҳбарларнинг кўзига чўп соларди, раҳбарлар фуқарони лақиллатарди, кимлардир медаль олган дея улуғланарди, кўп ўтмай унинг ёлғон машъал экани маълум бўларди.

Социализм жамиятига хос бўлган бу иллатлар, айниқса, 1978 йилда бошланиб, 1988 йилда тугаган афғон кампаниясида ўзининг энг олий кўринишида намоён бўлди. Баъзан «бу урушда қатнашган оддий солдатларда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, улар фақат буйруқни бажаришган, солдатлик бурчларини ўташган, холос» деган гапларни эшитиб қоласан. Майли, шундоқ ҳам бўла қолсин. Аммо, бутун-бутун қишлоқларга танкларни йўллаган, бола-бақра, эркак-аёл, ёшу қари — ҳаммасини баравар йўқ қилишга буюрган, рўпара келган «душман»нинг бирортасига раҳм-шафқат қилмай, қириб ташлашга ундаганлар. Гарчи, «ватан» номидан иш юритган бўлсалар-да, минглаб ёшларни энг тўғри маънодаги одамкушликка ўргатмадими? Йиллар давомида одам қонини тўккан «шоввозлар», одам қадри пўчоқчалик эмаслигига ишонч ҳосил қилган «азаматлар»нинг юрагида меҳр-мурувват деган нарсаларга жой қолганмикан? Дийдаси қотган, димоғларида ёндирилган қишлоқларнинг дуди, қулоқларида бегуноҳ қатл қилинган одамларнинг фарёдига ўрганиб қолганлар бугун кундалик турмушларида «меҳр», «мурувват», «саховат», «одамийлик» деган тушунчаларни раҳнамо билиб иш юритармикинлар?..

Совет империяси қулагандан кейин биз гарданимизда унинг оғир иллатларини кўтарган ҳолда янги жамиятга қадам қўйдик.

❖❖❖

Мустақиллик йўлига қадам қўйгандан кейин биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришни бош мақсад сифатида белгиладик. Бу жамиятда шундай бир механизм амал қиладики, у ҳар қандай эски, ақлга хилоф, ёлғонга асосланган, ривожланишга халақит берадиган нарсаларни ўз-ўзидан супуриб, бир четга чиқариб қўяди. Бу механизмнинг номи рақобатдир. Бироқ у бемалол ва самарали амал қилмоғи учун ҳалоллик ва тўғрилик асосига қурилган бўлмоғи даркор. Фақат эркин ва адолатли рақобатгина жамиятни муттасил олға олиб борадиган қудратли омил бўла олади. Ўз-ўзидан аёнки, идеал рақобатнинг амал қилмоғи учун жамият нафақат ижтимоий жиҳатдан, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам баркамол бўлмоғи керак. Одамлар у ёки бу ишларини амалга оширар эканлар, буни Жиноят Кодекси мажмуасидан кўрққани учун, бошида турган қамчидан чўчигани важидан қилмасликлари керак, балки бошқача яшашни тасаввур этолмаганлари учун ҳалоллик, инсоф, диёнат ички заруриятга айланиб қолгани учун шундай қилмоқлари лозим. Бунга эришмоқ учун эса ҳаётда маънавий қадриятлар ҳар қандай буйруғу кўрсатмалардан юқори турмоғи даркор. Шунинг учун ҳам мустақил ривожланиш йўлига ўтишимиз биланоқ жамият олдида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда совет империяси даврида камситилган маънавий қадриятларни қайта тиклаш, ўз ўрнига қўйиш вазифаси ҳам кўндаланг бўлганди. Бу табиий бир ҳол эди, негаки иқтисодиёт ҳар қандай жамиятнинг пойдевори бўлса, маънавият шу жамият биносининг устунларидир. Устунсиз қурилган ёки чириган устунлар ёрдамида қуриладиган иморат бўш ва омонат бўлади.

Шуниси таҳсинга сазоворки, бу ҳақиқатни Президентимиз Ислом Каримов илк дамларданоқ чуқур англаб етди ва маънавий ривожланиш масалаларига фавқулодда аҳамият берди. Президент буни бир-икки ойда ўтиб кетадиган вақтинча бир тадбир сифатида эмас, доимий эътиборни талаб қиладиган энг муҳим стратегик вазифа сифатида қўйди ва маънавият масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Жуда яхши эсимда, дастлабки кенгашлардан бирида Президент вилоятларда баъзи ҳокимлар бу масалага беписанд қарашяпти, деган фикрни эшитиб, «бунақа ҳоким ўз ўрнига муносиб эмас», деб қатъий айтган эди ва «билиб қўйинглар, — маънавиятнинг бош ҳомийси мен ўзимман», дея баралла эълон қилган эдилар.

Шундан бери ўтган вақт ичида бевосита Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан маънавият соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Улар бугун халққа яхши маълум. Фақат мен юқорида айтган бир фикрни яна такрорламоқчиман. Бир неча йиллардан бери ҳар бир йилимиз бирор катта масалага бағишланади: Соғлом авлод йили, Аёллар йили, Оила йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили... Мана бу йил — Меҳр ва мурувват йили. Авваллари мен булар ўртасидаги алоқага кўп аҳамият бермаган эканман. Энди ўйлаб қарасам, улар ўзаро жуда мустаҳкам ички мантиқ билан боғланган экан. Йилларнинг ҳар бири маънавиятимизнинг таркибий қисми сифатида бир-бирини тўлдиради ва давом эттиради. Бинобарин, биз ҳар йили пухта ўйланган дастурлар асосида маънавиятимизнинг бирор қиррасини қайтадан чуқур идрок этяпмиз, унинг кемтикларини тўлдиряпмиз ва кўнглимизга жо қилиб оляпмиз. Менинг назаримда, буларнинг ҳаммасини бамисоли «маънавият дорилфунуни» деб атаса бўладики, унда олинган сабоқлар йил ўтгандан кейин ҳам бизни фаол ҳаракатга чорлайди. Президентимиз бу дорилфунунда ҳаммамизга маънавият сабоқларини тинмай ўргатиб келмоқда. Табиийки, бу ҳаракатлар зое кетмайди, ўзининг самарасини беради ва одамлар нафақат фаровонлик бобида, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳаётимизни тўкис қилишда фидокорлик кўрсатадилар.

Хўш, меҳр-мурувват, деган нарсанинг ўзи нима? Унинг шакли қанақа? У қандай намоён бўлади? Мақоланинг бошланишида мен бу саволларга бирор формула шаклида ихчам ва лўнда жавоб бериш қийин дедим. Лекин шунга қарамай, айрим мулоҳазаларни айтиш мумкин, деб ўйлайман. Дарҳақиқат, меҳрнинг қонунлаштириб қўйилган битта шакли йўқ, у ҳаётда беҳисоб хилма-хил шаклларга, кўринишларга эга. Худди ҳар бир кўнгил муҳаббатни янгилагани каби, бировга меҳр-мурувват кўрсатадиган ҳар бир одам унинг шакли-шамойилини ўзи белгилайди. Йиғлаб турган боланинг бошини силаб, кўзидаги ёшни артиш ҳам меҳр. Йиқилган одамни суяб турғазиб қўйиш ҳам меҳр. Шикаста кўнгилга далда бериш, унинг дардига шерик бўлиш ҳам меҳр. Бирор муштипарнинг, мискиннинг кўнглини кўтариш, беморнинг юрагига умид нурларини ёқиш, бирор кимсани ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбориш... Эҳ-ҳе, меҳрнинг турларини, мурувватнинг кўринишларини санаб адо қилиб бўлмайди. Баъзан одамлар ўртасидаги баҳсни эшитиб қоласан — баъзилар меҳр-мурувватни етим-есирларга, мискин, бечораларга моддий ёрдам кўрсатиш, саховатпеша бўлиш билан боғлашадилар. Тўғри, бу ҳам меҳр. Лекин шу билан бирга руҳий мадад, кўнгилни кўтариш ҳам жуда катта меҳр. Мен юқорида бу фикрни далиллайдиган бир-икки мисолни келтирдим. Бу ўринда бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари айтган ва бугун халқимиз уни такрор-такрор тилга олиб, унга амал қилишга интилаётган яна бир ҳикматни келтирмай ўта олмайман.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлагай.

Моддий шаклларда ифода бўладиган меҳрнинг аҳамиятини мутлақо камситмаган ҳолда айтмоқчиманки, агар меҳр бирор одамнинг кўнглида унинг одамларга керакли эканига, жамиятда унинг ҳам ўрни борлигига, ўз навбатида унинг меҳрига зорлар ҳам мавжудлигига ишонтиролса, бу ўша одамнинг ҳаётига янада чуқур маъно касб этар эди.

(Давоми бор)

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

(Давоми. Боши ўтган сонда)

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Гулистон» журнали бош муҳаррири, таниқли шоир Азим Суюн янги шеърларидан ўқиб берди, учрашувлар иштирокчиларига ўзининг китобларини совға қилди.

Ушбу муассасаларга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ажратилган дори-дармонлар, Саховат уйига Акциядорлик тижорат «Турон банк» томонидан совға қилинган рангли телевизор топширилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Асатулло Аттоуллоев ва бошқа санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан меҳрга ташна қалбларга хурсандчилик ато этдилар.

Ҳайдар Жўраев, Саховат уйида яшовчи қария:

— Тақдиримга умрнинг сўнгги йилларини шу ерда ўтайсан, деб ёзган шекилли, мана 4 йилдирки шу ердаман. Аммо ёлғиз эмасмиз, давлатимизнинг беҳисоб мурувватти ва ғамхўрлигини ҳар доим ҳис этиб турибмиз.

Бугун Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг бизга бўлган эътиборидан чексиз мамнунмиз. Тўкин дастурхон атрофида бўлган учрашув, куй-қўшиқлар, шеърхонлик барчамизга манзур бўлди. Шунингдек, ҳомийлар томонидан берилган совға-саломлар, дори-дармонлар учун катта раҳмат. Очиғи ҳар галги шунга ўхшаш учрашув ва ўйин-кулгилар қалбларимиздаги кўринмас ғуборларни олиб ташлайди. Тадбир ташкилотчиларига катта миннатдорчилик билдирамиз...

Баҳром Жалилов, вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари:

— Самимий, дилкаш ўтган учрашув ҳаммамизда катта қизиқиш уйғотди. Олий Мажлис ва Халқ демократик партияси фаолияти тўғрисида кўп маълумотлар олдик. Бундай тадбирлар одамларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онгини оширишга хизмат қилади.

Тадбирларда, шунингдек, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Мирсодиқ Муслимов, ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби Камолбой Исобеков, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят филиали директори Гавҳар Худойбердиева ва Омбудсманнинг вилоят бўйича вакили Фато Абдусаломов иштирок этдилар.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратларда:
учрашувдан лавҳалар.

СУВ ВА ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Швейцариянинг халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан «Фарғона водийсида сув ресурсларини бирлашган ҳолда бошқариш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссиясининг Илмий-ахборот маркази ва Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI) мазкур лойиҳа ижрочилари саналади.

«Фарғона водийсида сув ресурсларини бирлашган ҳолда бошқариш» лойиҳаси фермер хўжаликлари ўртасида сувни кафолатли ва тенг тақсимлаш масаласи билан шуғулланади, сув ва ердан экин майдони даражасида унумли фойдаланишнинг самарали технологик услубларини ишлаб чиқади.

Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссиясининг Илмий-ахборот маркази директори Виктор Духовнийнинг айтишича, лойиҳа бўйича мўлжалланаётган фаолият тўртта вилоят — Ўзбекистонда Андижон ва Фарғона, Қирғизистонда Ўш ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятида амалга оширилади. Бу борадаги ишлар асосан Сирдарёдан сув ичадиган учта магистрал канал — Ўзбекистондаги давлатлараро, вилоятлараро ва туманлараро ҳисобланган Жанубий Фарғона, Қирғизистондаги Араван-Оқбурун ва Тожикистондаги туманлараро Хўжа-Бақирғон канали бўйлаб олиб борилади.

Умуман олганда, ушбу лойиҳа ёрдамида Фарғона водийсида сув хўжалиги тармоғи ислоҳ қилинади. Минтақада умумий саъй-ҳаракатлар билан янги сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди. Улар ўзларида ички сув ўлчаш тизимини жорий қилаётир. Учта тажриба каналида сув сатҳини ўлчайдиган қурилмалар ўрнатилди. Сув таъминоти жараёнини сувни тақсимлаш бўйича режалаштирилган жадвал шаклида бошқариш ва иқлим шароитлари ҳисобга олинган ҳолда истеъмолчилар аризалари асосида унинг мониторингини ўтказиш сувдан тенг ва адолатли фойдаланиш борасидаги дастлабки қадамдир.

Тажриба хўжаликлари доирасида намойиш этилган далаларни паспортлаштириш фермерларга захираларни аниқлаш, ер ҳамда сув унумдорлигини ошириш бўйича қисми сифатида бир-бирини тўлдиради ва давом эттиради. Бинобарин, биз ҳар йили пухта ўйланган дастурлар асосида маънавиятимизнинг бирор қиррасини қайтадан чуқур идрок этяпмиз, унинг кемтикларини тўлдиряпмиз ва кўнглимизга жо қилиб оляпмиз. Менинг назаримда, буларнинг ҳаммасини бамисоли «маънавият дорилфунуни» деб атаса бўладики, унда олинган сабоқлар йил ўтгандан кейин ҳам бизни фаол ҳаракатга чорлайди. Президентимиз бу дорилфунунда ҳаммамизга маънавият сабоқларини тинмай ўргатиб келмоқда. Табиийки, бу ҳаракатлар зое кетмайди, ўзининг самарасини беради ва одамлар нафақат фаровонлик бобида, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳаётимизни тўкис қилишда фидокорлик кўрсатадилар.

Хўш, меҳр-мурувват, деган нарсанинг ўзи нима? Унинг шакли қанақа? У қандай намоён бўлади? Мақоланинг бошланишида мен бу саволларга бирор формула шаклида ихчам ва лўнда жавоб бериш қийин дедим. Лекин шунга қарамай, айрим мулоҳазаларни айтиш мумкин, деб ўйлайман. Дарҳақиқат, меҳрнинг қонунлаштириб қўйилган битта шакли йўқ, у ҳаётда беҳисоб хилма-хил шаклларга, кўринишларга эга. Худди ҳар бир кўнгил муҳаббатни янгилагани каби, бировга меҳр-мурувват кўрсатадиган ҳар бир одам унинг шакли-шамойилини ўзи белгилайди. Йиғлаб турган боланинг бошини силаб, кўзидаги ёшни артиш ҳам меҳр. Йиқилган одамни суяб турғазиб қўйиш ҳам меҳр. Шикаста кўнгилга далда бериш, унинг дардига шерик бўлиш ҳам меҳр. Бирор муштипарнинг, мискиннинг кўнглини кўтариш, беморнинг юрагига умид нурларини ёқиш, бирор кимсани ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбориш... Эҳ-ҳе, меҳрнинг турларини, мурувватнинг кўринишларини санаб адо қилиб бўлмайди. Баъзан одамлар ўртасидаги баҳсни эшитиб қоласан — баъзилар меҳр-мурувватни етим-есирларга, мискин, бечораларга моддий ёрдам кўрсатиш, саховатпеша бўлиш билан боғлашадилар. Тўғри, бу ҳам меҳр. Лекин шу билан бирга руҳий мадад, кўнгилни кўтариш ҳам жуда катта меҳр. Мен юқорида бу фикрни далиллайдиган бир-икки мисолни келтирдим. Бу ўринда бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари айтган ва бугун халқимиз уни такрор-такрор тилга олиб, унга амал қилишга интилаётган яна бир ҳикматни келтирмай ўта олмайман.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлагай.

Моддий шаклларда ифода бўладиган меҳрнинг аҳамиятини мутлақо камситмаган ҳолда айтмоқчиманки, агар меҳр бирор одамнинг кўнглида унинг одамларга керакли эканига, жамиятда унинг ҳам ўрни борлигига, ўз навбатида унинг меҳрига зорлар ҳам мавжудлигига ишонтиролса, бу ўша одамнинг ҳаётига янада чуқур маъно касб этар эди.

(Давоми бор)

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Партия ҳаёти

ФАОЛЛАР БИЛАН МАСЛАҲАТ

Олдин хабар қилинганидек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши маҳаллий партия ташкилотларидаги аҳвол билан яқиндан танишиш, улар тўплаган ижобий тажриба, дуч келаётган муаммоларни жойида ўрганиш, партия ҳаёти ва фаолиятининг долзарб масалалари ҳақида раҳбар ходимлар, фаоллар, оддий партия аъзоларининг фикр-мулоҳаза, таклифларини йиғиб, ундан МК навбатдаги пленумини тайёрлашда фойдаланиш мақсадида махсус тезкор ишчи гуруҳларини тузган эди.

Мазкур гуруҳлар аъзолари Андижон, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоят, Тошкент, Андижон, Ангрен, Марғилон шаҳар, Пискент, Учкўприк, Ҳамза, Чуст, Шаҳрихон, Юнусобод туман, кўплаб бошланғич (ҳудудий) партия ташкилотларида бўлиб, уларнинг етакчилари, ижроия бюролари аъзолари, фаоллар, сайлов округларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, ХДПдан сайланган депутатлар, кенгашлар аппаратлари масъул ходимлари билан учрашиб, суҳбатлашдилар, анкеталар орқали уларнинг фикрларини ўргандилар.

Амалий тусдаги учрашув ва суҳбатлар давомида у ёки бу партия ташкилотидаги аҳвол, жойларда тўпланган ибратли ишлар тажрибаси ёхуд айрим ташкилотларнинг заифлиги сабаблари тўғрисида очиқчасига гапирилди, фикрлар билдирилди. Албатта, партия ташкилотлари ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан баҳоли қудрат ҳаракат қилиб турибдилар: сафларини кенгайтираяптилар, ХДП ғояларини оммалаштиришмоқда. Аммо, шу билан бирга, айрим партия ташкилотлари раҳбарларининг сустлиги ва юқори партия органларининг бефарқлиги боис умумий йиғилишлар Низомда кўрсатилган муддатларда ўтмаётир, турли оммавий-сиёсий тадбирлар кам ўтказилаяпти, аъзолик бадалларини йиғиш яхши йўлга қўйилмаган ва ҳоказолар.

Қатор вилоят, шаҳар, туман партия кенгашларининг ХДП қуйи бўғинларига таъсири пасайган. Уларнинг раҳбарлик ва мувофиқлаштириш роли котиблар соатлари ва бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг кенгашларини ўтказиш билан чегараланиб қолмоқда. Кенгашларнинг баъзиларида бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини таҳлил қилиб бориш, аъзолик бадалларини йиғиш устидан назорат ўрнатишга эътибор берилмайди, натижада молиявий тақчиллик сезилмоқда, транспорт воситалари яроқсиз ҳолга келиб қолган, ҳисоб-китоб ишларида тартиб йўқ.

Ўтган бир йил ичида Марказий Кенгаш V пленуми қарорига биноан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш ва сайлов округларида партия тузилмаларини вужудга келтириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Аммо, ХДПдан сайланган депутатлар ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам ташаббус ва фаоллик кўрсатаяптилар, деб бўлмайди. Айрим сайлов округларида ташкил топган партия гуруҳлари фаолияти жуда суст. Депутатларимиз қонун томонидан берилган сўровлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан сайловчилар манфаатлари йўлида самарали фойдаланмаяптилар.

Партия фаоллари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар жараёнида Ўзбекистон ХДП Низомига ўзгартиришлар киритиш, айрим меъёрий-услубий йўриқномаларни замонавийлаштириш ҳамда сайловолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, кадрлар ўқуви тизимини такомиллаштириш, матбуот саҳифаларида партия ҳаётини ёритишни яхшилаш ва кўплаб бошқа долзарб масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олинди.

Ишчи гуруҳлари аъзолари — Марказий Кенгаш котиби С.Усмонов, МК масъул ходимлари С.Курбонов, В.Абдуллаев, В.Абдусаматов ва бошқалар маҳаллий партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатдилар, уларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган маслаҳатлар бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР»

Ўзбекистон ХДП Сирғали, Ҳамза, Собир Раҳимов ва Чилонзор туман Кенгашлари ҳамкорлигида «Партия ва ёшлар» мавзуида учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. Унда туман кенгашлари котиблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талабалари, Сирғали туман партия Кенгаши қошидаги «Ҳаёт мактаби» клуби аъзолари иштирок этдилар.

Анжуманни ўтказишдан мақсад — ёшларимизнинг Ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этишлари, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англаб етишларига кўмаклашиш, тушунтириш беришдан иборатдир.

Нотиқлар амалга оширилаётган парламент ислоҳотлари, Ўзбекистон ХДПнинг дастуридаги «Ёшлар — Ватан келажаги» деб номланган боб ҳақида батафсил фикр юритдилар.

Зуҳра ҲАКИМОВА

Биз билган ва билмаган тарих

САМАРҚАНД ВА ДАРҒОМ

ХАЛҚАРО ЎЗБЕК-ФРАНЦУЗ ҚЎШМА ЭКСПЕДИЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИ УЛАРНИНГ ЁШИ 2750 ЙИЛГА ТЕНГ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА ФИКР БИЛДИРМОҚДАЛАР

Самарқанд деганда, тасаввуримизда дунёнинг энг кўҳна, қадимий тарихи ва шу тарихнинг бетакрор, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод мафтун қилиб қўядиган буюк намояндалар сиймоси, мовий гумбазлар, муаззам миноралар ва ўлмас обидалар жонланади.

Ислом КАРИМОВ

Бу кўҳна замин Шарқ оламида шаҳар сифатида жуда эрта машҳур бўлган. Дунёда бундай шаҳарлар камдан-кам учрайди. Унинг тарихи, қадимги маданиятини ўрганиш борасида халқаро ўзбек-француз қўшма экспедицияси кейинги йилларда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Улар Африсиёб харобаларидаги шаҳар маданий тарихи қирраларини ҳамда илк шаҳарсозлик маданияти шаклланиш жараёнини аниқлаш бўйича археологик изланишлар олиб бордилар.

1 Маълумки, цивилизация фақат инсоният маданияти ривожини англатибгина қолмай, шунингдек, давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиётини ҳам англатади. Тарихдан биламизки, дунёнинг барча қадимги цивилизациялари суғорилиши мумкин бўлган, иқлими иссиқ, дарё сувлари бор ерларда жойлашган. Самарқанд шаҳрининг ҳам вужудга келиши, унинг кейинги тараққиёти бевосита суғорилиш даври тарихи билан боғлиқдир. Бу ерда аждодларимизнинг илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида бошланди. Худди шу даврда шаҳар кўринишидаги йирик деҳқончилик манзиллари пайдо бўлди. Милоддан аввалги VIII-VII асрларга келиб, шаҳарлашиш жараёни кучайди. Кўплаб канал ва йирик ариқлар қазилди, қалъалар пайдо бўлди. Қазилма-қидирув ишлари натижасида шу нарса аниқландики, Афросиёбдаги энг йирик канал Дарғом бўлиб, у шаҳарни ва шаҳар атрофидаги ҳудудларни сув билан таъминлаган.

Самарқанд шаҳри Зарафшон дарёсининг шундоқкина чап қирғоғида жойлашган бўлишига қарамай, ундан сув олишнинг имкони бўлмаган. Чунки, мана шу жойга келганда дарё анча чуқурдан оққан, натижада шаҳар Зарафшон сувидан баҳраманд бўлмаган. Шундан аёнки, халқнинг Дарғом каналидан фойдаланганлиги тўғрисидаги фараз ҳам ҳақиқатга тўғридир.

Академик Абдулахат Муҳаммаджоновнинг фикрига кўра, Самарқанд шаҳри тарихининг дастлабки босқичларида унга сув жануб томондан, «Новадон» номи билан машҳур бўлган ҳамда ер ости сувларидан тўйинадиган ариқлардан келган. Бу эса йирик шаҳарга мутлақо етмас эди. Атрофдан оқиб ўтадиган Сиёб ариғининг ҳам шаҳарни суғоришга нафи тегмасди.

Олимлар ўртасида «Дарғом» каналининг дастлабки пайдо бўлиши тарихи хусусида кўплаб бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Жумладан, улардан бири ушбу канални Зарафшон дарёсининг чап тармоқларидан бири деб, уни сунъий қазилганлигига шубҳа билдирса, яна бир гуруҳ олимлар бу ҳақда: «Дарғом канали милоднинг биринчи асрларида қурилган бўлиши керак» ва яна бошқаси эса «милоднинг VI-VII асрларида қурилган», деб мулоҳаза юритади.

Кейинги ҳар икки нуқтаи назарни антик давр тарихчиси қолдирган харита йўққа чиқарди. Унда кўрсатилишича, Дарғом каналининг бўйида Мароқанда шаҳри тасвирланган. Лекин бу харита билан таниш олимлар уни Афғонистондаги дарёлардан бири билан боғлашади. Бизнинг фикримизча, Дарғом канали шимолий Афғонистон ҳудудида тасвирланиб, шимолдан жанубга томон оқаётган ҳолда берилишига қарамай, унда дарёнинг номи аниқ қилиб «Дарғоман» деб ёзилган ва каналнинг юқори оқимига Мароқанда шаҳри ўрнатилган. Аммо, милоддан аввалги II асрда яшаган тарихчи Птоломей ўзининг харитасини тузар экан, у ўзидан олдин яшаб ўтган бошқа тарихчиларнинг, шу жумладан Марина Тирскийнинг харитасидан, ёзма ва оғзаки хабарларидан фойдаланган. Ўзи эса ҳеч қачон Ўрта Осиёда бўлмаганлиги бугунги кунда олимлар томонидан аниқланмоқда.

2 «Дарғом» сўзи милоддан олдинги минг йилликнинг ўрталарида кенг тарқалган номлардан бўлиб, «узун» деган маънони билдиради. У ўртафорс манбалари ҳисобланган «Бундахишна»да ҳам келтирилган. Шунга асосланиб, Самарқанд шаҳри ва Дарғом каналининг ёшини 2750 йилга тенг дейиш мумкин.

Аслида ҳам Самарқанд шаҳрига қадимда сув асосан Дарғом каналидан Оби-Машъад ариғи орқали келганлиги аниқланди. Регистондаги Тарих музейи биносининг ўрнида қазиш ишларини ўтказган олимлар бу ердан шаҳарнинг марказий қисми томон йўналган канал ўрнини топдилар. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайин ва мажмаи баҳрайн» асарида Самарқанд шаҳрининг юраги ҳисобланган ҳозирги Регистон атрофини «Сардуатик», шунингдек, китобнинг Лахордаги нусхасида эса «Сардавоник» деб аталишини, яъни «Тез оқадиган ариқнинг боши» деган маънони беришини таъкидлайди. Машҳур Насафий ўзининг «Кандия» номли китобида шаҳарни 4 та йирик ариқ сув билан таъминлашини, ўз навбатида улар ҳам тармоқларга бўлиниб, номлари Чокардиза, Музаххин, Искандарғом, Асенгин деб аталишини ёзади.

Шундай қилиб, Самарқанд тарихида, унинг шаҳар сифатида шаклланишида Дарғом канали ҳал қилувчи ўринни эгаллаган. Афросиёбдан топилган археологик манбаларга асосланиб, Самарқанд шаҳрини Римнинг тенгдоши деб бемалол айтиш мумкин.

Самарқанддаги Университет хиёбонининг юқори қисмида, Алишер Навоийга қўйилган ёдгорлик ўрнида қазиш ишлари олиб борилганда бу ерда ҳам кўплаб каналларнинг ўрни борлиги аниқланиб, унинг ичидан милоддан аввалги VIII-VI асрларга оид ашёлар топилди. Айниқса, Афросиёбдан топилган топилмалар ичида биринчидан, қўлда ясалган рангли нақшли сопол идишларнинг парчалари бўлса, иккинчидан, гуваладан ясалган, қалинлиги 7-8 метр келадиган мудофаа девори қолдиқлари эди. Самарқанд шаҳри ёшини аниқлашда ушбу маълумотларнинг аҳмияти беқиёсдир.

Шаҳарнинг ҳозирги «Саттепа» мавзеси яқинидан Дарғомнинг қадимги ўзанларидан бири топилиб ўрганилди. Унинг қирғоғидан милоддан аввалги V-IV асрларга оид кулоллар маҳалласининг бир қисми топилди. Улар ўз даврида бутун шаҳарни юқори сифатли кулолчилик буюмлари билан таъминлаган. Бунда Дарғом сувининг аҳамияти катта бўлган. Шаҳар ёшини аниқлашда ушбу манбага ҳам таяниш асосли. Дарғом каналининг энг қуйи оқимида ҳам милоддан аввалги минг йилликнинг ўрталарига оид бир неча кичик турар-жой маконлари ва шу жумладан, маҳаллий аҳоли томонидан «Дурмонтепа» деб аталувчи ҳамда эллинизм давридан бошлаб йирик шаҳарлардан бирига айланган ёдгорлик топилди. Бу шаҳар ҳам Дарғом каналидан бошқа сув манбасига эга бўлмаган. Шунга асосланиб ҳам каналнинг қадимийлигини асослаш қийин эмас.

3 Милоддан аввалги минг йилликнинг ўрталарида Самарқанд шаҳар атрофи билан қўшиб ҳисоблаганда жуда катта майдонни эгаллашини, шимолда у ҳозирги Археология институти ўрнидан бошланиб, жанубдан Регистон майдонигача бўлган ҳудудни эгаллаган бўлса, унинг ғарбий қисми Университет хиёбонигача келган. Саттепадаги кулоллар маҳалласи эса шаҳар атрофида жойлашган. Булар шаҳар атрофи, лекин унинг асосий ички қисми 220 гектар майдонни эгаллаган қалинлиги ва баландлиги 7-8 метр бўлган, гуваладан қурилган мудофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Бундан ташқари, шаҳарнинг юқори табақаси яшайдиган макон — арк 19 гектар майдонни эгаллаб, шимол томондан алоҳида девор билан мустаҳкамланганди.

Дарғом канали ва Афросиёб мудофаа девори остидан ҳамда бошқа маданий қатламлардан олинган намуналарга ўхшаш топилмалар Самарқанддан 35 км. шимолда жойлашган Кўктепадан ҳам топилди. Улар дунёда тан олинган Франция Илмий тадқиқотлар миллий марказига қарашли Жив-Сюр-Ивст шаҳридаги кучсиз радиоактивлик лабораториясида тадқиқ қилинди. Ушбу илмий кашфиёт шуни кўрсатадики, Афросиёб қуйи қатламлари намуналари айнан милоддан аввалги VIII асрга, аниқроғи, 2750 йиллик тарихга тааллуқлидир.

Самарқанд шаҳрининг ҳудуди ва унинг атрофидаги ерларни сув билан таъминлаш учун фақат Дарғом каналидан сув келтирилган. Келтирилганда ҳам жануб томондан, Афросиёб атрофидаги чуқур жарликлардан олиб ўтилган. Демак, Самарқанд воҳасини сув билан таъминлашнинг бирдан-бир йўли бу Дарғом каналини қуриш муаммоси билан боғлиқ бўлган. Буни амалга ошириш учун эса давлат миқёсидаги эътибор ва куч керак эди. Бу эса дастлабки Суғд давлати бўлиб, у Дарғом каналининг қурилишини амалга оширди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Афросиёбда шаҳар белгиларининг фақат биттаси — «ёзув ва тақвим» ҳалигача топилмади. Ушбу сифат белгиси эса шаҳар маданиятини аниқлашда иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Шу тариқа археологик материаллар асосида Самарқанд шаҳрининг ёши — 2750 йилга тенг, деган фикрлар ўртага ташланмоқда. Бу фикрлар янги маълумотлар, далиллар билан тобора бойиб бормоқда.

Муҳаммаджон ИСОМИДДИНОВ,
ЎзРФА Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори

Кучли давлатдан кучли жамият сари

МУРОЖААТ ҲУҚУҚИ

Фуқароларнинг мурожаатлари учта бир-биридан фарқ қиладиган ҳужжатлардан ташкил топади: аризалар, таклифлар ва шикоятлар.

Ариза — фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф — фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатларидир.

Шикоят — фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир».

Албатта, бундай тасниф мурожаат қилувчининг ўз хабарини ариза, шикоят ёки таклиф сифатида қайд этишини талаб қилади. Натижада давлат муассасаси мурожаатларнинг қайси бир турга мансублигини аниқлаб, мурожаатлар қай йўналишда тушаётганини таҳлил қилиш имконига эга бўлади. Бундай ҳужжатларни давлат муассасаларига тақдим этиш ҳар бир фуқаронинг асосий ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни ҳеч ким чеклаши ёки мурожаатни эътиборсиз қолдириши мумкин эмас.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак. Яъни ҳар бир шахснинг шаъни ва қадр-қимматига нисбатан сабабсиз путур етказмаслик, юридик шахсларнинг тижорат соҳасидаги обрўсига асоссиз зарар келтирмаслик зарурдир. Масалан, маълум корхонанинг сифатсиз маҳсулот чиқарганлиги тўғрисида бевосита мазкур корхонанинг раҳбариятига шикоят йўллаган фуқаро, албатта, асос сифатида корхона ишлаб чиқарган сифатсиз молга эга бўлиши шарт. Акс ҳолда, унинг бундай ҳаракатлари бевосита корхонанинг тижорат обрўсига зарар етказади.

Фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга. Мурожаатлар якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар қуйидагилар: мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши шарт. Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади. Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Фуқаро мурожаат билан бирон бир муассасанинг қабулхонасига келиши табиий. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади. Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтларда ўтказилади, қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Хуллас, ҳар бир фуқаронинг мурожаат ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Мурожаат учун уни таъқиб қилиш ёки унга босим кўрсатиш мумкин эмас. Бу ҳуқуқий-демократик жамиятнинг энг муҳим талабларидан биридир. Чунки фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини тўлароқ англаса, ҳимоя қила билса жамият янада эркинлашади ва биз интилаётган манзилга тезроқ етамиз.

Мавлуда АКБАРХЎЖАЕВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бош маслаҳатчиси

ИККИТА ГАЗЕТА ЁПИЛДИ

Эрон суди мамлакатда чоп этиладиган «Аш-Шарқ» ва «Ал-еуматейн ал-либиратейн» газеталарини ёпиш ҳақида қарор чиқарди. Сабаб: газеталар парламентчи-ислоҳотчиларнинг республиканинг диний етакчиси Оятулло Али Хумайнийни танқид қилиб ёзган хатини эълон қилган.

Хатда ёзилишича, Эрон Кузатув Кенгаши парламентдан юқори орган бўлиб, чексиз ваколатларга эга ва фақат Хумайнийга бўйсунади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мазкур орган томонидан бузилаётганлигини ислоҳотчилар қаттиқ танқид остига олишган, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

ДАРСЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Таиланд жанубида портлатишлар ҳақидаги таҳдидлардан сўнг 600 дан ортиқ мактаб ёпилди. Таиланд ўқитувчилар уюшмаси вакилининг «Новости» мухбирига маълум қилишича, мамлакат жанубидаги кўплаб мактабларга портловчи моддалар қўйилганлиги ва уни портлатиб юборишлари мумкинлиги ҳақида аноним хатлар ва қўнғироқлар бўлган.

ЯНА НОМЗОДИНИ ҚЎЯДИ

Reuters агентлигининг маълум қилишича, Жазоир Президенти Абдулазиз Бутефлика яна янги муддатга ўз номзодини қўйиши ҳақида баёнот берди.

Президент сўзларига қараганда, мамлакатда унинг етакчилигида бошланган тинчлик ва барқарорлик омилларини, иқтисодий ислоҳотларни охирига етказиш учун унга яна муддат керак.

Шу йил 8 апрелда мамлакатда Президент сайлови бўлиб ўтади.

XORIJDA

Шарҳ

РОССИЯ — БЕЛОРУСИЯ: ГАЗ МОЖАРОСИ

Россия — Белорусия ўртасидаги газ билан боғлиқ муаммолар аслида янгилик эмас. Негаки, янги йил арафасида ҳам бу муаммо юзага қалқиб чиққан ва томонлар музокараларидан сўнг муаммо атрофидаги шов-шувлар бир оз пасайгандек бўлди. Лекин аслида муаммо муаммолигича турибди. Фақат эндиликда у янада кенгроқ миқёсда баттар газак олди.

Гап шундаки, 18 февралдан эътиборан, Россиянинг «Газпром» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Белорусия ва унинг ҳудуди орқали учинчи мамлакатга газ етказиб беришни тўхтатди. Учинчи мамлакатга газ етказиб бериш борасидаги шартномаларнинг бузилишига эса Белорусия айбдор эканлигини «Газпром» алоҳида уқтирди. Сабаб: «Газпром» матбуот хизмати тақдим этган манбаларга асосланиб, «Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, Белорусияга газ етказиб берувчи мустақил компания — «Транс Нафта» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти Белорусиянинг «Белтрансгаз» очиқ акциядорлик жамияти билан тузган шартномага мувофиқ белгиланган газ миқдори 18 февралгача тўлиқ етказиб берилганлигини «Газпром»га маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз: «Транс Нафта» билан «Белтрансгаз» ўртасида охирги марта 12 февраль куни шартнома тузилган. Унга кўра, «Транс Нафта» 360 миллион кубометр газ етказиб бериши лозим эди ва у зиммасидаги мажбуриятини адо этган. Шу куни Россиянинг «Итера» компанияси Белорусияга газ етказиб беришни тўхтатганлигини маълум қилди. «Газпром» эса 1 январдан эътиборан шартномалар муддати тугаганлиги боис, ўшандаёқ «Белтрансгаз» билан алоқаларини «узган». Янги шартномалар эса ҳали тузилганича йўқ. Лекин Россия томонини аччиқлантирган нарса бу эмас, балки газ қувурлари орқали Белорусия ҳудудидан учинчи мамлакатга ўтаётган газдан «Белтрансгаз»нинг норасмий, ўғринча фойдаланганлиги бўлди. Бу икки давлат ўртасида анчадан бери давом этиб келаётган газ можаросининг янада «шиддатли» тус олишига сабаб бўлди.

Маълумки, Россия Белорусия ва Польша ҳудуди орқали Германия компанияларига, шунингдек, Голландия ва Буюк Британиядаги мижозларига газ етказиб беради. Унинг ҳажми бир йилда 12 миллиард кубометрни ташкил этади. Энди эса, дея хабар беради ИТАР-ТАСС, Белорусия орқали Польша ва Литвага ҳам газ етказиб бериш тўхтатилди.

Газ можароси давлат раҳбарларини бефарқ қолдираётгани йўқ. Белорусия Президенти Александр Лукашенко мамлакатнинг Россиядаги элчиси Владимир Григорьевни маслаҳатлашиш учун чақириб олди.

«Белорусия — Россия алоқалари эндиликда узоқ вақт газ билан заҳарланади», дея баёнот берди Белорусия раҳбари. Шунинг учун ҳам мамлакатда табиий бойликлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш бўйича кучайтирилган тартиб жорий этилди.

19 февраль куни эса Президент газ муаммоси бўйича ҳукумат мажлиси ўтказди. Шундан сўнг, дейилади «Новости» агентлиги хабарида, Лукашенко Путин шартлари бўйича шартнома тузишга розилигини билдирди. Лекин газни Россиянинг ички нархлари бўйича, яъни 1 минг кубометр газни Россия таклиф этаётган янги нарх — 50 доллардан эмас, балки 41 доллардан олишини алоҳида таъкидлади. «Негаки, Россия Белорусияда имтиёзларга эга», деди у. Шу ўринда Президент темир йўл транзитига ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинига Белорусия хизмат кўрсатаётганини эслатиб ўтди.

Қисқаси, икки давлат ўртасидаги газ можароси ҳали тўлиқ якуний хулосасини топмади. Уни тезроқ ҳал этиб, қишнинг изғиринида халқни иссиқлик манбаидан баҳраманд этиш кўпроқ Белорусия маъмуриятининг жонбозлигига боғлиқ бўлиб турибди. Ва бу вазиятдан чиқиш учун куни кеча «Транс Нафта» билан «Белтрансгаз» ўртасида 640 миллион кубометр ҳажмдаги газ учун янги шартнома имзоланди. Унга кўра ҳар минг кубометр газга 46,68 доллардан ҳақ тўланадиган бўлди. Шундай қилиб, «Газпром» Белорусияга ва у орқали учинчи мамлакатга яна газ етказиб бера бошлади. Бироқ 640 миллион кубометр ҳажмдаги газ узоқ муддатга етмайди. Демак, маълум вақтдан сўнг муаммо яна юзага келиши мумкин.

Алимқул СУЛТОН

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш Сайитов жавоб беради.

Савол: Фуқаролик ҳуқуқлари суд тартибида қандай ҳимоя қилинади?

Н.САЙДАҲМЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 10-моддаси талабларига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки холислар суди (бундан кейин — суд) томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Савол: Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг чиқарган қандай характердаги ҳужжати ким томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади ва бундай тақдирда бузилган ҳуқуқ қандай усуллар билан ҳимоя қилинади?

Э.ЖУМАҚУЛОВ.
Навоий вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 12-моддасига асосан, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Суд ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши керак.

Спорт

РУСЛАН ЧАГАЕВНИНГ ЛЮБЕКДАГИ ҒАЛАБАСИ



Профессионал боксчинг ўта оғир вазн тоифасида рингга чиқаётган Руслан Чагаев ўзининг навбатдаги жангини ўтказди. Мазкур учрашув Германиянинг Любек шаҳрида уюштирилди. WBO йўналишида рингга кўтарилган ҳамюртимизнинг бу сафарги рақиби Седрик Филдс (АҚШ) бўлди.

Олтин камарга даъвогар кучли йигирма боксчи қаторидан жой олган америкалик спортчининг келажагига мутахассислар катта умид билдираётганди. Шу боис, иқтидорли боксчимиз ушбу жанг олдидан бир ой давомида Лас-Вегас (АҚШ)да пухта ҳозирлик кўрди. Кескин ва муросасиз кечган олти раундли жанг кутилганидек барчанинг диққат марказида бўлди. Кураш кескин ўтди. Охирги раундларда Руслан-нинг устунлигига шубҳа қолмади.

Ҳакамлар баҳоси қуйидагича бўлди: 58:56, 59:55, 59:55. Ҳамюртимиз Р.Чагаев ўзининг ўн иккинчи рейтинг учрашувида шу тарзда муваффақият қозонди.

ЎТТИЗ БЕШ ЙЎЛЛАНМА

Айни пайтда дунёнинг барча мамлакатлари спортчилари шу йил августда Афина (Греция)да бўладиган XXVIII ёзги олимпиадага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, Ватанимиз спортчилари ҳам ер курраси-нинг энг нуфузли мусобақасига кўпроқ йўлланмани қўлга киритиш ҳамда унда юқори натижаларга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Бангкок (Таиланд)да таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган қитъа чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли қатнашдилар. Айниқса, аёллар ўртасида кечган баҳсларда таэквондочиларимиз маҳорат кўрсатишди. Олимпиадага йўлланма берувчи мазкур мусобақада иқтидорли таэквондочимиз Наталья Микрюкова (+67 кг.) Осиё чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди. Муросасиз баҳслар финалчиси бўлган яна бир спортчимиз Ирина Кайдашова (57 кг.) эса кумуш медаль билан тақдирланди. Таэквандочиларимизнинг бу ғалабаси уларга Афина олимпиадаси йўлланмасини тақдим қилди.

Эслатиб ўтамиз: Ўзбекистон спортчиларининг ҳозиргача қўлга киритган йўлланмалари сони ўттиз бештага етди.

Эркин ХОЛБОБО

Ҳикматли сўзлар маъноси

МАСЛАҲАТЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Биргина тўй қилишда эмас, умуман ҳар бир ишда киши кўпчилик (айниқса, тажрибали, тадбирли, кўпни кўрган, кўпни билган, ёши улуғ кишилар) билан маслаҳатлашмоғи, кенгашмоғи зарурлигини уқтирувчи мазкур мақолнинг вариантлари ва маънодошлари кўп: «Кенгашли тўй тарқамас»; «Ўйламай қилинган тўй — тўйдан кейин бузилар»; «Маслаҳатли ош тотли бўлар»; «Маслаҳат билан отилган тош узоққа кетар»; «Кенгашиб кесилган қўл оғримас»; «Кенгашли эл камимас»; «Кенгашда кенглик кўп»; «Кенгашли фикр — қуйма фикр»; «Маслаҳат — зардан қиммат»; «Кенгашмай — тенглашма»; «Кенгашмаган — одам эмас»; «Ҳар иш қилсанг, эл билан кенгаш»; «Эрнинг яхшиси эли билан кенгашар, хотиннинг яхшиси эри билан кенгашар»; «Ўз билганингдан бўлма, эл билганидан қолма»; «Кўп билсанг ҳам, кўпчиликдай билмайсан»; «Ўзим биламан» деган — ўрга босмас» (ўрга босмас — юқорига кўтарилмас, ищи юришмас, деган маънода); «Ўзим биламан деган — ўлар, «Кўп билади» деган — кулар»; «Сўзга кирган — тоғдан ошар, сўздан чиққан — йўлдан озар»; «Ўзинг бил, билмасанг билганнинг сўзига кир»; «Кўпдан кўп ақл чиқар»; «Кўпнинг фикри кўпча, тўғри кетган ўқча»; «Кўпнинг кенгаши кенг бўлур»; «Икки кенгаш бир бўлса, эллик йигит юз бўлур»; «Елғиз ақл — ўзи яхши, икки бўлса яна яхши»; «Бир калла — бир калла, икки калла — икки калла»; «Икки калла ишга тушса, ҳар қандай масала ҳал»; «Бир қўл — бир қўл, икки қўл — икки қўл»; «Бирдан икки яхши, иккидан уч яхши»; «Бир каттанинг гапига кир, бир — кичикнинг»; «Ўзингдан бир қўйлак илгари тўздиргандан ақл сўра»; «Кўпга кенгаш, ўзингга маъқулини қил»; «Кўп билан кенгаш, маъқулига ёндош»; «Ҳар ким деганин қилма, ўз билганингдан қолма»; «Кенгашли иш тузилур, кенгашсиз иш бузилур»; «Маслаҳатли иш бузилмас, маслаҳатсиз иш ҳеч пишмас»; «Маслаҳатсиз иш — бошга ташвиш»; «Бемаслаҳат ишнинг пушаймони кўп».

Ранг-баранг олам

ЎН СУЛТОН КЎРГАН ИНСОН

Лондонлик Томас Карн ўнта подшо салтанатни бошқарганида яшашга муяссар бўлган инсондир. У 1471 йили қирол Генрих VI тахтдан ағдарилган пайтда дунёга келган. Орадан 87 йилу 7 ой ўтиб, ўнинчи Хоқон — Елизавета I нинг тахтга чиқишига ҳам гувоҳ бўлган ва 107 ёшида вафот этган эди.

ОЛТИН БИЛАН БАҲОЛАНГАН СУРАТ

Дунёдаги энг ноёб намуна ҳисобланган суратни мўйқалам соҳиби Леонардо да Винчи яратган. Ушбу рассомнинг айни кунда Парижда сақланаётган «Моно Лиза» картинаси ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ кўргазмасига жўнатилишдан олдин суғурта қилиниб, 100 миллион долларга баҳоланган эди. Аммо бу нарх ўшандаёқ кам деб ҳисобланган.

Бебаҳо ҳисобланган бу асар тахминан 1503-1507 йилларда чизилган бўлиб, ҳажми 77х53 сантиметрга тенгдир. Унда флоренциялик Франческо де Жоканданинг рафиқаси Лиза Герерди тасвирланган деб тахмин қилинади. Франция қироли Франческо суратни 1517 йили 4 минг флоринга (15,3 килограмм олтин) сотиб олган.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 365

13069 nusxada bosildi
t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ИНТЕР-СПОРТ

БЕКХЭМ ФИГУГА ҚАРШИ

Халқаро ўртоқлик учрашувларида «Евро — 2004» футбол чемпионатининг 15 финалчиси иштирок этди. Учрашувлар ниҳоятда қизғин ва курашларга бой бўлди. Португалия футболчилари «Фару» стадионида инглизларни қабул қилишди. Қизиғи шундаки, бу жамоаларнинг бирида Бекхэм ўйнаган бўлса, иккинчисида Фигу тўп сурди. Ҳар иккала футболчи ҳам Мадриднинг «Реал» жамоасидан бўлгани учун уларнинг хатти-ҳаракатлари мухлисларда қизиқиш уйғотди. Лекин ҳар иккиси ҳам дарвозани ишғол этолмади. Уларнинг ўрнига бошқалар тўп уриб, ҳисоб 1:1 бўлди.

Италия — Чехия учрашуви ҳам дуранг (1:1) ҳисобида тугади. Бельгия футболчилари французларни қабул қилиб, ўз дарвозаларидан жавобсиз иккита тўп ўтказиб юбордилар. Германия терма жамоаси эса сафарда Хорватия футболчилари билан майдонга тушди ва 2:1 ҳисобида устун келди. Голландлар эса АҚШ жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Роналдо иштирок этган Бразилия терма жамоаси эса ирландлар билан учрашди — 0:0. Данияликлар турклар дарвозасига жавобсиз бир тўп киритишди. Швейцария жамоаси марокашликларга (1:2) ютқазди. Шведлар эса худди шу ҳисобда Албания футболчиларига имкониятни бой беришди. Латвия — Қозоғистон жамоалари учрашуви 3:1 ҳисобида тугади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 124-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	27	86	54	Чипта рақами	50081058.1	Сони: 7	Сони: 119	Сони: 1404
18	70	51	59	60065178.2	70048615.2	Сумма: 5000	Сумма: 800	Сумма: 300
85	49	65	12	**6 ТУР**	**9 ТУР**	**14 ТУР**	**20 ТУР**	**26 ТУР**
5	29	48	3	8	87	17	83	63
79	41	15	32	Сони: 1	Сони: 3	Сони: 17	Сони: 243	Сони: 2926
38	23	1	14	Сумма: 25000	Сумма:	Сумма: 4000	Сумма: 700	Сумма:
53	33	42	81	Чипта рақами	9000	**15 ТУР**	**21 ТУР**	300
56	82	16	13	40091855.2	**10 ТУР**	72	71	**27 ТУР**
Сони: 1	68	47	76	**7 ТУР**	25	Сони: 10	Сони: 259	24
Автомаг-	34	58	36	67	Сони: 3	Сумма: 3000	Сумма: 600	Сони: 4132
нитолла	50	31	35	Сони: 3	Сумма:	**16 ТУР**	**22 ТУР**	Сумма: 300
Чипта	10	62	Сони: 1	Сумма: 20000	8000	7	9	**Қўшимча**
рақами	Сони: 3	40	Сумма:	Чипталар	**11 ТУР**	Сони: 22	Сони: 346	**тур**
80039928.3	Видеомаг-	Сони: 1	1000000	рақами	19	Сумма: 2000	Сумма: 500	Сони: 127
2 ТУР	нитофон	Телеви-	Чипта	10083919.3	Сони: 3	**17 ТУР**	**23 ТУР**	Сумма: 900
2	Чипталар	зор	рақами	20089303.3	Сумма:	11	78	**Халтадан**
60	рақами	Чипта	30086797.3	80051974.1	7000	Сони: 18	Сони: 559	**чиқмаган**
28	10000003.1	рақами	**5 ТУР**	**8 ТУР**	**12 ТУР**	Сумма: 1000	Сумма: 400	**шарлар:**
45	20051606.2	80022541.3	75	4	44	**18 ТУР**	**24 ТУР**	**21,**
43	70021862.1	**4 ТУР**	90	Сони: 3	Сони: 6	88	84	**46,**
37	**3 ТУР**	30	22	Сумма: 10000	Сумма:	Сони: 70	Сони: 1164	**61,**
74	55	77	Сони: 1	Чипталар	6000	Сумма: 900	Сумма: 300	**66,**
26	64	6	Сумма:	рақами	**13 ТУР**	**19 ТУР**	**25 ТУР**	**80,**
39	20	73	50000	20087879.1	57	69	52	**89**

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 11 мартдаги 125- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 -турда биттадан Автомагнитолла
2 -турда биттадан Видеомагнитофон
3 -турда биттадан рангли Телевизор
4 -турда Биринчи маротаба СУПЕР ЮТУҚЛАР ва 25.000.000 сўмлик ЖЕК ПОТ ўйналади.

Агар чиптангиз 55 -юришда тўлса сиз 20.000.000 сўмлик миқдордаги ЖЕК ПОТ эгаси бўласиз.

56,57 -юришда чиптангиз тўлса "NEXIA" ҳамда 5.000.000 сўм пул,
58,59 -юришда чиптангиз тўлса «MATIZ» ҳамда 3.000.000 сўм пул,
60,61 -юришда чиптангиз тўлса «TICO» ва 1.000.000 сўм пул,
62,63 -юришда чиптангиз тўлса 3.000.000 сўм пул ютуғи эгаси бўласиз.

4- турнинг 63- юришидан сўнг 1.000.000 сўм пул ютуғи, 5- турдан бошлаб 50.000 сўмдан чипта нархигача ютуқлар ўйналади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

BANK XALQ BANKI

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

Аҳолига ўзининг **20 ДАН ОРТИҚ** жозибадор омонат турларини таклиф этган ҳолда янги **«НАВРЎЗ АЙЁМИ»** қисқа муддатли, ютуқли омонат турини жорий этди.

Омонатга пул маблағлари **10 КУН** муддатга камида **5000 СЎМ** миқдорида Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

Ҳар бир омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **500 000 СЎМ** ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эга.

«НАВРЎЗ АЙЁМИ» омонатига пул маблағлари жорий йилнинг **1 АПРЕЛИГА** қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2004 йилнинг апрель ойида Қарши шаҳрида ўтказилади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

Мурожаат учун телефонлар:
173-69-15, 173-69-16 (*ички* 126,109)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» shuni ma'lum qiladiki:

2004 йил 3,6,10,13,17,20,24,27 февраль кунлари танлов савдоларига қўйилган,

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ашрафий 2-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган «Музқаймоқ» давлат унитар корхонаси мулкий мажмуаси, **бошланғич нархи — 70 886 000 сўм** бўлган объект савдолардан олинди.

Мурожаат учун манзил: *Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.*

Давлат Мулки Қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

Газетанинг 2004 йил 6-январдаги сонида берилган «Диққат аукцион!» сарлавҳали эълондаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 109 бўлган «ГАЗ-310200» русумли автотранспорт воситаси савдодан олинганлигини маълум қилади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

УЧ ОЁҚЛИ «КАРОМАТ»

Икки бошли илон, тухум қўйган хўроз, бир кўзли «келгинди» ва бошқа мўъжизалар ҳақида кўп эшитганмиз. Сиру-синоатга бой бу чексиз оламнинг яна бир мўъжизасига балки, ишонмассиз ёйинки шунчаки кўл ҳам силтаб қўярсиз...

Шу йил 31 декбардан 1 январга ўтар кечаси Сариосиё туманининг «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Зиёдулло Меликовлар хонадонида қора говмиш болалади. Бироқ, туғилган бузоқчанинг оёқлари ... учта — олдинги чап оёғи йўқ эди... Кўпчилик ҳайратланди. Қўни-қўшнилар ажабланишди. «Новвос»ча эса соғлом бўлиб, бироздан сўнг бинойидек юра бошлади. Ҳаракатларида нуқсон йўқ. Онасини эмади. Говмиш ҳам боласига меҳрибон. Хонадон аҳли бузоқчага «Каромат» деб ном беришди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ



Тузатиш

Газетанинг ўтган сони 3-бетида чоп этилган «Адолат кўзгуси» сарлавҳали мақолани-нг энг охирги сатри «ассоциацияси раисининг ўринбосари» деб тузатиб ўқилсин.

АО «Тезкор-Соз» ставить на торги публичной оферты навес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел).

Телефон: 185-88-59.